



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИДА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ЖАЗОНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Зиёдуллаев Сухроб Шухрат ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 314-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17532212>

ARTICLE INFO

Received: 1st November 2025
Accepted: 2nd November 2025
Published: 5th November 2025

KEYWORDS

профилактика
инспектори, маъмурий
ҳуқуқбузарлик, маъмурий
жавобгарлик, ҳамкорлик,
самарадорлик.

ABSTRACT

Мақолада профилактика инспекторлари
фаолиятида маъмурий ҳуқуқбузарликларни
аниқлаш ва жазони қўллашнинг самарадорлигини
ошириш масалалари таҳлил қилинган.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойатчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жинойатчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодексининг **7-моддасида Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш келтирилган бўлиб, унга кўра:**

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#) [1] ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси [Конституциясига](#), Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида эса Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳам мувофиқ қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъмин эта бориб, ўз ҳудудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириб туради, ички ишлар органлари, болалар масалалари бўйича комиссиялар ҳамда уларга ҳисобдор маъмурий ҳуқуқбузарлик билан кураш олиб боровчи бошқа органлар фаолиятига раҳбарлик қилади.—деб кўрсатилган [2]. Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодексининг **248-моддасида** Ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган моддалар келтирилган бўлиб, айнан ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторларига 4 қисмида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо қўллашга қўйидагилар ҳақли: жумладан, Ушбу Кодекснинг 47-моддаси биринчи қисмида, 47³, 54, 56¹-моддаларида, 110-моддасининг биринчи қисмида (фуқароларга нисбатан), 111-моддасининг биринчи қисмида, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 114, 123-моддаларида, 127-моддасида (товуш сигналини сабабсиз беришга доир қисмида), 128⁶-моддасида, 147-моддасининг биринчи қисмида (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазий, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратганлик, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаганлик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузганлик учун), 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун), 161-моддасида (фуқароларга нисбатан), 187-моддасининг биринчи қисмида, 188, 188², 192, 221-моддаларида, 223-моддасининг биринчи — саккизинчи қисмларида, 223¹, 223³-моддаларида, 224-моддасининг биринчи қисмида, 225-моддасининг биринчи — бешинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари; Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий судининг 2021 йил 29 сентябрдаги 59 ққ /11-60-21-сон қўшма қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қўшма қрорга 1-иловасида Ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон шакллантириш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби белгиланган.

Ички ишлар органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо қўллашга ҳақли мансабдор шахслар (кейинги ўринларда – ваколатли орган) томонидан ишларни электрон шакллантириш ҳамда ҳуқуқбузар, жабрланувчи, гувоҳ ва холислар тўғрисидаги маълумотларни судларга юбориш, шунингдек судларда ишларни кўриш билан боғлиқ маълумот ҳамда суд ҳужжатларининг электрон алмашинуви фақат Ички ишлар вазирлигининг “E-ma'muriy

ish” va Oliy sudning “ADOLAT” axborot tizimlari kompleksi ўrtasida integratsiya qilingan axborot tizimi orqali amalgа оширилиши белгиланган [3].

Шу билан бирга мазкур қўшма қарорнинг 3-бобида Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, жабрланувчи, гувоҳ ва холислар тўғрисидаги маълумотлар билан ишларни судларга юбориш тартиби кўрсатилган.

Унга кўра иш ҳужжатлари ваколатли орган томонидан тўлиқ электрон шакллантирилгандан сўнг, унга доир барча маълумотлар билан фақат ахборот тизими орқали судларга юборилади.

Ваколатли орган томонидан “E-ma'muriy ish” тизими орқали ишларга доир қуйидаги маълумотлар тўлиқ электрон кўринишда судларга юборилиши шарт:

Хулоса қилиб айтганда, профилактика инспекторлари фаолиятида маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва жазони қўллашнинг самарадорлигини оширишда ҳуқуқий меъёрлар ва соҳавий хизматлар билан ҳамкорликнинг аҳамияти катта эканлиги аниқланди. Профилактика инспекторлари нафақат ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва олдини олишда, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда ҳам асосий роль ўйнайдилар. Ҳамкорлик шакллари – амалий фаолият ва ахборот алмашуви – фаолиятнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлайди.

Шунингдек, ички ишлар органлари ва профилактика инспекторлари фаолиятида малакали, профессионал, маҳалла ва аҳоли билан узвий алоқада ишлай оладиган кадрлар тайёрлашнинг аҳамияти қайд этилади. Мақсадли ва тизимли ҳамкорлик ҳамда ҳуқуқий нормалар асосида олиб борилаётган фаолият, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларни самарали профилактика қилишда узвий механизмни ташкил этади.

Якуний хулоса шуки, профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда ҳуқуқий асослар, соҳавий ҳамкорлик ва профессионал малака – барча муҳим омиллар бўлиб, уларнинг уйғунлиги жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда замонавий ва самарали тизимни яратади.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий судининг 2021 йил 29 сентябрдаги 59 ққ/11-60-21-сон қўшма қарори.